



1938 йил 4 октябрь. Ўзбекистон тарихига энг машъум сана сифатида мухрланган. Абдулла Кодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Гози Олим Юнус, Отажон Хошим, Зиё Саид, Худойберган Девон каби миллат ойдинлари шошилиш катл этилди. Архив хужжатлари шохидлигича, 5 октябрда эса бир кун олдин отиб ташланган махкумларнинг суди сахналаштирилади.

1938 йил 4–16 октябрь кунлари СССР Олий суди Харбий коллегиясининг сайёр йигилишларида 507 нафар ўзбекистонлик сиёсий махбус устидан ҳукм ўқилган. Уларнинг энг кўзга кўринганлари жисмонан мавҳ этилган, колганлари учун турли муддатга сургун ёки камок жазоси белгиланган. Умуман олганда, 1934–1938 йиллари Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ инсон катагон килинган. Шулардан 730 нафари “халк душмани” сифатида отиб ташланган.

Абдулла Кодирий (1894–1938)

1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида тугилган. XX аср янги ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, ўзбек романчилиги асосчиси. 1920-йиллардаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси. Аввал мусулмон мактабида, кейинчалик рус-тузем мактабида ва Абулкосим шайх мадрасасида таҳсил олган. Москвадаги адабиёт курсида ўқиган. Эски шаҳар озика кўмитасининг саркотиби, “Озик ишлари” газетаси муҳаррири, Касабалар шўросининг саркотиби, “Муштум” журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир хайъати аъзоси.

“Тўй”, “Ахволимиз”, “Миллатимга”, “Фикр айлагил” каби шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, “Жувонбоз” хикояси ёзувчининг дастлабки асарларидан. Кейинчалик адибнинг улкан маҳоратини ўзида мужассам этган “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Обид кетмон” кинесаси дунёга келди. Николай Гоголнинг “Уйланиш”, Антон Чеховнинг “Олчазор” асарларини ўзбек тилига ўғирган.

Абдулла Кодирий даставвал 1926 йили “Муштум”да чоп этилган “Йигинди гаплар” мақоласи ортидан кинесаси муддатга камалган. 1937 йил 31 декабрда “халк душмани” сифатида иккинчи бор камокка олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

Муаллиф:

30.09.2023 20:36 -

Абдурауф Фитрат (1884–1936)

Абдурауф Фитрат – биринчи ўзбек профессори, жадиdчилик ҳаракати етакчиларидан бири. Замонавий ўзбек тили ва адабиёти асосчиларидан. 1884 йили Бухорода тугилган. Анъанавий мактабда савод чиқарган, сўнг Мир Араб мадрасасида, 1909–1913 йиллари Туркияда тахсил олган.

Хориждаги ҳаёт Фитратнинг дунёкараши, сиёсий онги ва адабий дидини ўзгартириб юборди. Туркистон халқи ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар (бу пайтда “Ёш турклар инкилоби” юз берганди) ва илгор мамлакатлар нуктаи назаридан қарай бошлади.

Бухорога қайтгач, мударрислик килди ва жадиdчилик гоёларини ёйиш билан шугулланди, 1915 йилдан “Ёш бухороликлар” партиясининг сўл канотини бошқарди, озодлик ва тараккиёт ҳаракатининг лидерларидан бирига айланди.

Фитратнинг адабий мероси бой ва турфа. Бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратибгина қолмай, ўзбек адабиётининг янги жанр ва турлар билан бойитди. У зуллисонан адиб бўлиб, адабиётга шоир ва адабиётшунос сифатида кириб қелган. Қўп ўтмай драмалари ва прозаик асарлари ҳам дунё юзини кўрди.

“Мунозара” (дастлабки номи “Хиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадиd хусусида қилган мунозараси”), “Сайха” (чорлов, наъра), “Рахбари нажот”, “Тарихи Ислом” асарлари, “Темур сағанаси”, “Ўғузхон” пьесалари, “Ўзбек тили сарф китоби”, “Ўзбек тили нахв китоби”, “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида” илмий асарлари, “Девону луготит турк”, “Муқаддимат ул-адаб”, “Қутадғу билиғ”, “Ҳибат ул-хақоик”қа бағишланган илмий трактатлари Фитратнинг нафакат шоир, ёзувчи, драматург сифатидаги истеъдодини, айни пайтда файласуф, тарихчи, филолог эканини ҳам кўрсатади.

Абдурауф Фитрат амирни ағдариш ва большевиклар зулмидан ҳам қутулиш тарафдори эди. 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг Бухорода аҳвол ёмонлаша бошлагач, аввал Самарқандга, сўнг Тошкентга қўчишга мажбур бўлди. Самарқандда “Хуррият” газетасига муҳаррирлик қилди, ўзаро ҳамкорлик ниятида газетага Бехбудийни ҳам тақлиф этади.

Айрим маълумотларга қараганда, “Иттиҳоди тараккий” ташкилотининг Эски Бухоро бўлими раиси ҳам бўлган. Туркистон Мухториятини қувонч билан қарши олди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилиб, Фитрат маориф вазири сифатида иш бошлади. 70 нафар талабани Германияга ўқишга юборди (мамлакат маблағи ҳисобига). Шарқ мусикаси мактаби, Давлат театри ташкил эттирди, ноёб кўлёмаларни тўплашда бош-қош бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан БХСРда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди.

Халқининг бахт-саодати, ҳақиқат, адолат, маориф, фан, маданият йўлида туну кун меҳнат қилган бу улуг зотни шўролар ҳукумати аксилинқилобчи, миллатчи, “халқ душмани” деб айблаб, 1937 йил апрелда ҳибсга олди ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташлади.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1897–1938)

Абдуҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (Юнусов) 1897 йилда Андижонда тугилган. Дастлаб мадрасада, сўнг рус-тузем мактабида тахсил олган. Шеърий асарлари “Ўзбек ёш шоирлари”, “Ўйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари” ва “Соз” тўпламларида, шунингдек, турли газета ва журналларда эълон қилинган. 20-йилларда ёзган “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола”, “Новвой киз” сингари ҳикоялари ўзбек адабиётидаги лирик насрнинг дастлабки мумтоз намуналари ҳисобланади. “Кеча ва кундуз” романи ҳамда “Ёркиной”,

Муаллиф:

30.09.2023 20:36 -

“Халил фаранг”, “Севги ва салтанат”, “Чўпон севгиси” каби пьесалари ҳам бор (бу асарларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган). Унинг таржимасидаги У. Шекспирнинг “Хамлет” трагедияси ўзбек таржима санъатининг шох намунаси ҳисобланади. Чўпон каби тараккийпарвар зиёлилар дунёкараши 1917-йил Феврал инкилоби билан чамбарчас боглик. Чўпон Туркистон мухторияти ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этиб, мухториятни шарафловчи „Озод турк байрами“ шеърини ёзди, бу шеър ўзбек давлатчилиги тарихида илк мадҳия бўлди. Шу даврда Туркистондаги кўп миллатли зиёлилар ўртасида федерализм гояси кенг тарқалгани сабабли Чўпон айна пайтда З.Валидий билан бирга Оренбургга бориб, Бошқирдистон мухторият ҳукуматининг ташкил этилишида ҳам иштирок этди. Федералистларнинг фикрларига кўра, Туркистон ва Волга бўйидаги туркий халқлар ўз мухторият ҳукуматларини барпо этганларидагина бу ҳукуматларнинг болшевиклар томонидан тан олинishi ва биргаликда химояланиши мумкин эди. Мухториятнинг конли бостирилишидан сўнг Чўпон „Илмий кенгаш“, „Чигатой гурунги“, „Нашри маориф“ ташкилотлари ва „Турон“ театрида адабий, илмий-маърифий ишлар билан машғул бўлди. Бирок шўро давлатининг мустамлакачилик сиёсати оқибатларини фош этувчи шеър ва мақолалар ёзишда давом этди. Орада жадидларга, хусусан, Чўпонга қарши бошланган кураш уни сиёсий фаолиятдан узоклаштишга, ҳатто 1931-1935-йилларда Москвада яшашга мажбур этди. Охир-оқибат исёнкор шоир 1938 йил 14 июл куни хибсга олинди ва ўша йил 4 октябрда Тошкентда қатл этилди.

Гози Олим Юнусов (1893–1938)

Янги ўзбек тилшунослик фани асосчиси Гози Олим Юнусов 1893 йили Тошкент шаҳрида дунёга келган. У Вятка губернияси Сарапул уездига жойлашган мадрасаи “Бубий” да, Туркия университетида, Анкарадаги “Ал-Азхар” мадрасасида ўқиган. 1917 йил октябрда Тошкентда болшевиклар ҳокимиятни кўлга олишлари билан тараккийпарвар маҳаллий зиёлилар ўша ойнинг 26–29 кунларида Кўконда Муслмонларнинг фавқулудда курултойини чақириб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилади. Гози Олим курултой ишида қатнашади. Туркистон Мухторияти қонга ботирилганидан сўнг 1918 йил июлда Туркистон ёшларини миллий ва илмий руҳда тарбиялаш мақсадида “Турк ўчоғи” ташкилотини тузган.

Гози Олим Юнусов Самарқандда Маориф халқ комиссарлиги ҳамда шу комиссарлик ҳузуридаги Тил ва терминология комитетида илмий қотиб сифатида иш юритади. Кейинчалик Акмал Икромов номидаги Самарқанд педагогика институтида ўзбек тили кафедраси профессори сифатида ишлайди.

Гози Олим Юнусов биринчи ўзбек тилшуноси сифатида “Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили”, “Юридик терминлар лугати”, “Ўзбек лаҳжалари таснифида бир тажриба”, “Ўзбек тили грамматикаси” қитобларини яратди. Ўзбек халқ эпоси — “Алпомиш” достонининг илк тадқиқотчиларидан бири. 20–30-йиллар матбуотда матбуот, тилшунослик, адабиёт, фольклоршуносликка оид долзарб мақолалар ёзган. Олимнинг грамматика, шевашунослик, атамашунослик масалаларига бағишланган дарслик ва қўлланмалари унинг серқирра тилшунос олим бўлганини тасдиқлайди.

Гози Олим Юнусов 1938 йил 4 октябрда Тошкентда “халқ душмани” сифатида қотиб ташланди.

Отажон Хошим (1905–1938)

Ўзбекистондаги ижтимоий фанларнинг кўзга кўринган намоёндаси, йирик фан

ташкilotчиси, хозирги Ўзбекистон Фанлар академиясининг пойдевори – Фанлар кўмитасининг раиси, Тил ва адабиёт институтининг директори Отажон Хошим 1905 йили Тошкентда дехкон оиласида дунёга келган. Дастлаб эски мактаб ва мадрасада, кейин рус-тузем мактабида ўқиган. 1922–1924 йиллари Москвада ишчилар факультетида тахсил кўрган. Кизил профессорлар институтини тугатгач, Ўзбекистон Маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш раҳбари, кейинроқ эса Ўзбекистон Фанлар Кўмитасининг раиси вазифаларида фаолият кўрсатган.

Отажон Хошим ўзбек ёзувчиларининг биринчи адабий уюшмаси – “Кизил калам” ташкilotига раҳбарлик қилади ва шу давр адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлган мажмуалар нашр этади. Шунингдек, у Тил ва адабиёт институти директори, Ёзувчилар уюшмаси танкид ва адабиётшунослик шўъбаси раиси, янги ташкilot этилган Фанлар комитети раиси ўринбосари лавозимларида ҳам кизгин илмий ташкilotий фаолият билан шугулланади. Шу вақтда олимнинг ташаббуси билан халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш 2 жилдли “Ўзбек фольклоридан намуналар”, “Ўзбек халқ, эртаклари”, “Алпомиш”, “Маликаи айёр”, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётига бағишланган илмий асарлар, бир канча терминологик лугатлар нашр этилади.

Унинг “Ўзбекистонда илмий ишлар”, “А. С. Пушкиннинг “Евгений Онегин” таржимаси ҳақида”, “Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш”, “Ўзбек фольклори ҳақида”, “Адабий мерос”, “Ўзбек тили ва имлоси” каби мақолалари XX аср бошларида тугилаётган ва шакллана бошлаган ўзбек гуманитар фанларига ҳисса бўлиб кўшилди. Айни чоғда у Фитрат, Гози Олим Юнусов, Е.Д. Поливановлар сафида туриб, олий ўқув юртларининг аспирантура курсларида фалсафа, сиёсий иқтисод ва бошқа фанлардан маърузалар ҳам ўқиди.

У 1937 йил 2 августда камокка олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида “халқ душмани” сифатида отиб ташланган.

Мухаммад Хасанов (1904–1938)

1904 йили Тошкентда ўқитувчилар оиласида дунёга келди. Отаси Фаттоҳ ака ҳам, онаси Тоибба хоним ҳам янги шаҳардаги мактабларнинг бирида ишлаган. Мухаммад меҳнат фаолиятини Россия телеграф агентлигининг “ТашРоста” газетасида бошлади. 1924 йилдан “Туркестанская правда”, “Кизил байроқ”, “Туркистон” газеталарида адабий ходим, бўлим мудири бўлиб ишлаган.

Мухаммад Хасанов 1927 йили марказкомга ишга таклиф этилиб, матбуот бўлимига мудир ўринбосари қилиб тайинлади. 1930 йилдан “Кизил Ўзбекистон” газетаси муҳаррирлигига ўтказилади. 1931 йили Москвага ўқишга юборилади. 1932 йил охирида юртга қайтиб, “Кизил Ўзбекистон” газетасида масъул муҳаррир бўлиб ишлай бошлайди. 1934 йилдан “Муштум” журнаliga, 1936 йил декабрь ойидан эса “Правда Востока” газетасига ҳам раҳбарлик қилади.

Бу пайтда муҳаррирлардан “ички душман”ни ва улар “жойлашиб олган” муассасаларни кескин фoш этувчи мақолаларни бoсиш, яъни жамиятни 1937 йил даҳшатларига тайёрлаб бoриш талаб этиларди. Мухаммад Хасанов эса виждонига қарши бoрмасликка, уйдирма материалларни эълон қилмасликка интилади. Республикадаги “хушёр” кишилар партия ва ҳукуматнинг “юсак ишонч”ини оқламаётган муҳаррир тўғрисида тегишли идораларга, Москвага хат ёзади.

1937 йил 3 сентябрда “Правда” газетасида “Буржуа миллатчиларининг ҳомийлари ва шериклари” деган мақола чиқади. “Правда Востока” газетаси ва шахсан масъул

Муаллиф:

30.09.2023 20:36 -

мухаррир кескин танкид остига олиниб, ўзбек адабиёти ва матбуотининг Абдулла Кодирий, Аъзам Аюб, Зиё Саид, Мўмин Усмонов сингари вакилларига “халк душмани”, “буржуа миллатчиси” тамгаси ёпиштирилади, Мухаммад Хасанов эса уларнинг химоячиси сифатида каттик кораланади. “М.Хасанов, – деб ёзилган эди газетада, – совет турмуш тарзини бузиб кўрсатган “Обид кетмон” романига карши ёзилган такризни юмшатиб, силликлаб чикарди. Курбон Берегин ва Мўмин Усмонов хакидаги мақолани эса босиб чикармади...”

Мухаррир шу кунёк партиядан ўчирилиб, ишдан олинди. Куни кеча ўзи раҳбарлик қилган газеталар унинг “халк душмани” Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига мухаррирлик қилгани, Абдулла Кодирий, Чўлпон, Аъзам Аюб, Санжар Сиддик сингари “унсурлар”ни “Кизил Ўзбекистон” газетасига, “Ер юзи”, “Муштум”, “Ёрқин турмуш” журналларига жалб этгани, “Марксизм классиклари” асарларини ўзбек тилига бузиб ўгирган Мўмин Усмонов, Воис Раҳимий, Отажон Хошим, Наим Саидни ўз паноҳига олганини аёвсиз танкид қила бошлади. Мухаммад Хасанов мудҳиш йилнинг 26 сентябрь куни қамолга олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида қўллаб атоқли зиёлилар билан бирга отиб ташланди.